

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг биринчи чорагида
назорат тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти**

О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг биринчи чорагида келиб тушган 726 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 126 таси қайтарилган бўлса, уларнинг 71 тасини эса қабул қилиш рад этилган, 252 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 72 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 23 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 68 таси бўйича Олий суд раисининг ўринбосари томонидан рад жавоби берилган, 111 та иш бўйича эса, назорат тартибдаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Мазкур 111 та ишнинг 97 таси назорат тартибдаги шикоятлар ва 14 таси протестлар асосида судлов ҳайъатида кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 49 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар ташкил этса, 62 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган жами ишларнинг 7 таси бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, қўшимча суриштирувга қайтарилган, 32 таси бекор қилиниб, биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган бўлса, 8 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кассация инстанцияси судига (шундан 2 таси апелляция инстанцияси судига) кўриш учун юборилган, 14 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 5 таси бўйича кассация (апелляция) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган. 12 та иш бўйича эса, суд қарорлари ўзгартирилган, 5 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 28 та иш бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 111 та ишнинг 42 тасини Тошкент шаҳар, 11 тасини Тошкент вилояти, 8 тасини Қашқадарё вилояти, 6 тасини Хоразм вилояти, 6 тасини Самарқанд вилояти, 6 тасини Андижон вилояти, 5 тасини Жиззах вилояти, 5 тасини Навоий вилояти, 5 тасини Сурхондарё вилояти, 5 тасини Фарғона вилояти, 4 тасини Бухоро вилояти, 4 тасини Наманган вилояти, 3 тасини Сирдарё вилояти ва 1 тасини Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судлари суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоятлари ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган Сирдарё, Андижон, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларининг 100 фоиз, Тошкент вилояти маъмурий судларининг 82 фоиз, Навоий вилояти маъмурий судларининг 80 фоиз, Қашқадарё вилояти маъмурий судларининг 75 фоиз суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Мазкур даврда судлов ҳайъати томонидан “Судлар томонидан махсус ҳуқуқдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан тайинланган жазо муддатини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 343-моддасига асосан қисқартириш билан боғлиқ суд амалиёти” умумлаштириши ўтказилиб, унинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинган. Шунингдек, жорий йилнинг январь ойида судлов ҳайъати томонидан 2018 йилда назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланиб, Олий суд Раёсатида муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундай буён матнда МСИЮТК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундай буён матнда МЖТК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти обзори

1. Суд МЖТКнинг 40-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлашда, ҳуқуқбузар билан жабрланувчи она-бола эканлиги, ҳуқуқбузар ёшга доир нафақадалиги, ойлик нафақасининг камлиги, унинг моддий ёрдамга муҳтожлиги ва у нафақа пулига яшаб келаётганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, МЖТКнинг 21-моддасини қўллаши ва уни жазодан озод қилиши мумкин.

Фуқаро И.С. 2017 йил 15 октябрь куни қизи М.С.га тухмат қилган, яъни била туриб, ёлғон, уни шахсини шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар И.С. МЖТКнинг 40-моддаси билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ушбу Кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида 449 325 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судининг қарорини ва кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари ва маъмурий ишда тўпланган бошқа ҳужжатларга асосланиб ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларини МЖТКнинг 40-моддаси билан тўғри малакалаган бўлса-да, бироқ И.С.га нисбатан жазо тайинлашда ҳуқуқбузар билан жабрланувчи она-бола эканлиги, ҳуқуқбузар ёшга доир нафақадалиги, ойлик нафақаси миқдори 234 352 сўмлиги, шунингдек маҳалла фуқаролар йиғини томонидан унинг моддий ёрдамга муҳтожлиги ва у нафақа пулига яшаб келаётганлиги ҳақида маълумотноманинг мавжудлиги енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиб ҳисобланса-да, судлар томонидан улар инобатга олинмаган ва унга нисбатан бирмунча оғир жазо тайинланган деган хулосага келган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд ҳужжатларини ўзгартириб, И.С.га нисбатан тайинланган 449 325 сўм жарима жазосини бекор қилишни, МЖТКнинг 21-моддасига асосан ҳуқуқбузарни жазодан озод қилишни ва иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

2023-18-сонли иш

2. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида мусодара қилиниши мумкин эмас.

Фуқаро А.А. 2018 йил 18 август куни Марказий деҳқон бозори ҳудудида қвас ичимлигини сотиш билан шуғулланаётганда солиқ органи ходимлари ундан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этишни сўраган. Аммо, фуқаро А.А. солиқ органи ходимларига бундай ҳужжатларни тақдим эта олмаганлиги учун, ашёвий далил сифатида 1 дона қвас ичимлигини сақлашга мўлжалланган бочка ва 9 900 сўм пул маблағи тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб олиб қўйилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар А.А. МЖТК 176-моддасининг биринчи қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида 861 200 сўм жарима солинган. Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочка ва 9 900 сўм пул маблағлари давлат фойдасига ўтказилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ, судлар иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочкани давлат фойдасига ўтказишда хатоликка йўл қўйган. Чунки, судлар давлат фойдасига ўтказилган бочка ҳуқуқбузар А.А.га эмас, балки “Д” МЧЖга тегишли эканлигига, А.А.га бочка МЧЖ билан 2018 йил 16 августда тузилган ижара шартномасига асосан берилганлигига эътибор бермаган.

МЖТК 27-моддасининг биринчи қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат

мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, ушбу чора туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё мусодара қилиниши мумкин эмас, муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд қарорларининг ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочкани давлат фойдасига ўтказиш қисмини ўзгартиришни ва ҳуқуқбузар А.А.дан ашёвий далил сифатида олиниб, давлат фойдасига ўтказилган бочкани“Д” МЧЖга қайтаришни лозим топган.

1993-18-сонли иш

3. Агар ички ишлар органи ҳуқуқбузарга нисбатан қўзғатилган МЖтК 128¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича тегишли қарор қабул қилмасдан, уни кўриб чиқиш учун судга юборган бўлса, суд МЖтКнинг 303¹-моддасига асосан маъмурий ишни ички ишлар органига қайтаради.

Фуқаро Р.Р. 2018 йил 18 апрелда соат 11:50 ларда ўзининг бошқарувидаги “Ласетти” русумли давлат рақами 01 W 222 АА бўлган автомашинада Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган вақтда ЙХХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, унга транспорт воситасини бошқариш жараёнида уяли алоқа воситасидан фойдаланганлиги маълум қилиниб, МЖтК 128¹-моддасининг биринчи қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар Р.Р. МЖтК 128¹-моддасининг биринчи қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида 344 480 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бирок, судлар суриштирув органи томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳақидаги баённомада Р.Р. 2018 йил 18 апрелда соат 11:50 ларда ўзининг бошқарувидаги “Ласетти” русумли давлат рақами 01 W 222 АА бўлган автомашинада Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган вақтида уяли алоқа воситасидан фойдаланганлиги кўрсатилган бўлса, ишда мавжуд бўлган Р.Р.нинг ҳуқуқбузарлигини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотномада эса, Р.Р. 2018 йил 18 апрелда соат 11:15 ларда “Спарк” русумли, давлат рақами 01 F 333 АА автомашинада ҳуқуқбузарлик содир этганлиги қайд этилган.

Аmmo, туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди томонидан ҳуқуқбузарлик айнан қайси автомашинани бошқариш вақтида содир этилганлиги аниқланмасдан қарор қабул қилинган.

Шунингдек, МЖтК 248-моддасининг биринчи қисмида ушбу Кодекс 128¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органларига тааллуқлилиги кўрсатилган бўлса-да, шаҳар ИИББ ЙХХБ ҳуқуқбузар Р.Р.га нисбатан қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қонунда белгиланган тартибда қарор

қабул қилмасдан, Р.Р. ҳуқуқбузарлик фактини инкор этганлигини асос қилиб ишни судга юборган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати юқоридаги ҳолатларга ва МЖТКнинг 303¹-моддасига асосланиб, суд қарорларини бекор қилиб, маъмурий иш материалларини шаҳар ИИББ ЙХХБга қайтаришни лозим топган.

7-26-19-сонли иш

4. Ҳайдовчи транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқча одам ташиганда, МЖТК 128-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилади. Агар ушбу шахс МЖТКнинг 128-моддасида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни бир йил давомида бир неча марта (тўрт мартадан ортиқ) такроран (систематик равишда) содир этса, унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этиш жазосини тайинлашга сабаб бўлиши мумкин.

Фуқаро М.М. 2018 йил 14 октябрь куни соат 11:52 ларда Навоий кўчасида, 2018 йил 16 октябрь куни соат 10:35 ларда Мустақиллик кўчасида ўзининг бошқарувидаги “Дамас” русумли, давлат рақами 01 М 111 АА бўлган автотранспорт воситасининг саломида ортиқча одам билан ҳаракатланган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар М.М. МЖТК 128-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари 159-бандининг олтинчи хатбошисига кўра 12 ёшга тўлмаган болаларни ҳисобга олмаганда, одам сони транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқ бўлганда, одамларни ташиш тақиқланади.

“Дамас” русумли автотранспорт воситасининг техник тавсифномасига кўра тўлиқ вазни 1330-1416 кг бўлиб, унинг саломида 3 қаторда жойлашган 8 (2+3+3) та ўриндиқ мавжуд. Шундан 1 та ўриндиқ ҳайдовчи, 7 та ўриндиқ эса одамлар ўтириши учун мўлжалланган. Шундай экан, “Дамас” русумли автотранспорт воситасининг саломида ортиқча одамнинг борлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари 159-бандининг олтинчи хатбошиси талабларинибузиш деб баҳоланади ва қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузар М.М. томонидан 2018 йилда Йўл ҳаракати қоидалари систематик равишда бузилган. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги ахборот марказининг 2018 йил 18 декабрдаги маълумотномасига кўра М.М. томонидан 2018 йилда 21 марта (шундан 6 таси йўл ҳаракатининг айнан одам ташиш билан боғлиқ қоидалари талабини бузиш билан боғлиқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган

ва у маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланган.

МЖтК 32-моддасининг 2-бандига мувофиқ маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси судининг қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-139-18-сонли иш

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарар суғурта ташкилоти томонидан жабрланувчига тўлиқ тўлаб берилган ҳолларда, суд ҳуқуқбузардан жабрланувчи фойдасига такроран моддий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилмайди.

Фуқаро К.К. 2018 йил 14 март куни тахминан соат 21:40 ларда Бобур кўчасида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда отаси Н.Н.га тегишли “Ласетти” русумли давлат рақами 20 С 222 ДА бўлган автомашинани бошқариб, Йўл ҳаракати қоидаларининг 12 ва 53-бандлари талабларига риоя қилмасдан, фуқаро Р.Р. бошқарувидаги “Дамас” русумли давлат рақами 20 М 333 АА бўлган автомашина билан тўқнашув содир этган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар М.М. МЖтК 131-моддасининг биринчи қисмида ва 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилиб, МЖтКнинг 34-моддаси қўлланилиб, тайинланган жазоларни енгилини оғирроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил унга нисбатан бир йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган. М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига 1 600 500 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судидаиш кўрилаётган вақтда суғурта компанияси томонидан жабрланувчи Р.Р.га 1 600 500 сўм етказилган моддий зарар тўлаб берилган бўлса-да, биринчи ва кассация инстанцияси судлари бу ҳолатга эътибор бермасдан, ҳуқуқбузар М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига такроран 1 600 500 сўм моддий зарар ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди қарорларини ўзгартириб, ҳуқуқбузар М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига 1 600 500 сўм моддий зарар ундириш қисмини бекор қилишни ва ҳуқуқбузар томонидан МЖтК 131-моддасининг биринчи қисмида ва 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги иш ҳужжатлари билан ўз исботини топганлиги ҳамда судлар ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларини тўғри малакаланганлиги учун суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-44-19-сонли иш

II. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларга оид ишлар бўйича суд амалиёти обзори

6. Болани тўлиқ бўлмаган оилада, якка ўзи тарбиялаётган она ишсиз бўлса ва бошқа даромад манбаи бўлмаса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини текшириб, унинг яшаш шароитини нормал ҳолатда деб баҳолаганлиги унга бола парвариши бўйича нафақани тайинламасликка асос бўлмайди.

“К” МФЙ раиси Г.Г. бошчилигидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг 2017 йил 15 апрелдаги 5-сонли қарори билан яшаш шароити юқори деган асос бўйича фуқаро Д.Д.га 2017 йил 2 январда туғилган боласи А.А. икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш рад этилган ва бу ҳақда 2017 йил 26 апрелдаги 55-сонли хат орқали унга хабар берилган.

Бундан норози бўлган Д.Д. судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “К” МФЙ раиси (оқсоқоли)нинг Д.Д.га болага икки ёшгача нафақа тайинлаш ҳақидаги талабни рад этишда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни, унинг зиммасига нафақа тайинлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланиши назарда тутилган.

Мазкур Низомнинг 17-бандида, агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган миқдордан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини текшириш ҳуқуқи кўрсатилган бўлса-да, Д.Д.нинг болани тўлиқ бўлмаган оилада якка ўзи тарбиялаётганлигига, ишсиз эканлигига ва даромади йўқлигига, ушбу Низомнинг 9-бандига асосан бундай ҳолатда унинг бола парвариши бўйича нафақа олишда устунлик ҳуқуқига эгалигига судлар томонидан эътибор берилмаган.

Бундан ташқари, “К” МФЙ раисининг ўзи томонидан берилган 2017 йил 15 ноябрдаги 555-сонли маълумотномада Д.Д. ҳақиқатан ҳам ҳеч қаерда ишламаслиги ва меҳнат дафтарчасига ҳам эга эмаслиги кўрсатилган.

Ушбу Низомда болани тўлиқ бўлмаган оилада якка ўзи тарбиялаётган она ишсиз бўлганида ва даромади йўқлигида махсус комиссия оиланинг моддий

ва мулкий ҳолатини текшириши лозимлиги ҳамда яшаш шароити юқори бўлганда, нафақа тайинлашни рад этиши белгиланмаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, “К” МФЙ раисининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни ва унинг зиммасига фуқаро Д.Д.га болани парвариши учун нафақа тайинлаш мажбуриятини юклашни лозим топган.

7-167-19-сонли иш

7. Номига уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш сўралган шахсга уй-жой жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ажратилмаганлиги, уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни рад этишга асос бўлиши мумкин.

“Р” район, “А” кишлоқ советининг 1978 йил 14 июлда 26-сонли баёнига асосан марҳум А.Л.га 1215,15 кв.метр турар жой қуриш учун ер ажратилган. А.Л. томонидан “Р” тумани, “А” МФЙ, Гулистон кўчаси, 15-уй манзилида уй-жой қурилган. Бироқ мазкур уй-жойга нисбатан А.Л.га эгалик ҳуқуқи белгиланмаганлиги учун, марҳум А.Л.нинг қизи Л.Л. туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, марҳум А.Л.га уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган. Туман ҳокимлиги томонидан 2017 йил 12 ноябрдаги 111-сонли хат билан А.Л.нинг аризаси рад қилинган.

Шу сабабли, А.Л. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги зиммасига “Р” тумани, “А” МФЙ, Гулистон кўчаси, 15-уй-жойга марҳум А.Л.нинг эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимлигининг 2017 йил 12 ноябрдаги 111-сонли хати ғайриқонуний деб топилган, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия зиммасига “Р” тумани, “А” МФЙ, Гулистон кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 1215,15 кв.метрдан иборат турар жойга марҳум А.Л. номига эгалик ҳуқуқи белгилаш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, туман ҳокимлиги зиммасига “Р” тумани, “А” МФЙ, Гулистон кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 1215,15 кв.метрдан иборат уй-жойга марҳум А.Л. номига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурияти юклатилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, Л.Л.нинг аризасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати биринчи инстанция суди “Р” район, “А” кишлоқ советининг 1978 йил 14 июлдаги 26-сонли баёнига асосан марҳум А.Л.га “Р” тумани, “А” МФЙда жойлашган 1215,15 кв.метр уй-жой қуриш учун тегишли тартибда ер майдони ажратилмаган бўлса-да, ер майдони ажратиб берилганлиги тўғрисида нотўғри хулосага келганлигига асосланган. Ваҳоланки, “Р” район, “А” кишлоқ советининг 1978 йил 14 июлдаги 26-сонли

баёнидан олинган кўчирмага кўра А.Л.га “Р” тумани, “А” МФЙ худудидан уй-жой қуриш учун 1215,15 кв.метр ер участкаси ажратилмаган. Ушбу ҳолат туман давлат архивининг 2014 йил 15 декабрдаги 222-сонли, 2016 йил 15августдаги 01-01/01-сонли хатлари билан ҳам тасдиқланган.

7-129-19-сонли иш

8. Ҳуқуқий ворисларга ер майдонини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ажратиб бериш ва уй-жой биносига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинганда, меросхўрлардан бирининг аризасига асосан суд кейинчалик туман ҳокимининг қарорини ушбу уй-жойга аризачи ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 187-моддасининг биринчи қисмини асос қилиб ҳақиқий эмас деб топиши мумкин эмас.

Фуқаро А.А. 2016 йил 18 мартда туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, “Олмазор” қишлоғи, “Олмазор” МФЙда жойлашган марҳум отаси Б.Б.га тегишли бўлган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб, уй-жой жойлашган ер майдонини бириктириб беришни сўраган. Ушбу ариза туман худудида жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш, эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, 2018 йил 11 апрелда далолатнома расмийлаштирилган. Унда марҳум Б.Б.га “Олмазор” қишлоғи, “Олмазор” МФЙда жойлашган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш ва уй-жой жойлашган ер майдонини унга бириктириб бериш тавсия этилган.

Ушбу далолатнома туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарори билан тасдиқланиб, марҳум Б.Б.га умумий ер майдони 2095,0 кв.метр ер майдонини ҳуқуқий ворисларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ажратиб берилиб, уй-жой биносига нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланганидан кейин марҳум Б.Б.нинг меросхўрлари ўртасида уй-жойга нисбатан низо келиб чиққан.

Шу сабабли, аризачи А.А. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аммо, биринчи ва кассация инстанцияси судлари моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган. Яъни, судлар туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарори қайси қонун ҳужжатларига зид эканлигини ўз қарорларида асослантормаган. Балки, марҳум Б.Б.нинг фарзанди аризачи А.А.

2002 йилдан буён ушбу уйда яшаб, уй-жойнинг солиқларини тўлаб келаётганлигига, ушбу уй-жойга аризачи ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 187-моддасининг биринчи қисмини асос қилиб қарорни ҳақиқий эмас деб топган. Ваҳоланки, туман ҳокимининг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида чиқарилган ва уни аризачи томонидан келтирилган важлар асосида ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли, судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси судининг қарорларини бекор қилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

7-2-19-сонли иш

9. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг бекор қилинган қарори маъмурий суднинг суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишга ва уни қайта кўришга асос бўлиб ҳисобланмайди.

Фуқаро А.А. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги зиммасига Фурқат кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган 2004 йилда қурилган 5 хонадан иборат уй-жойга нисбатан А.А.нинг эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисида қарор чиқариб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 26 сентябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролар Б.Б. ва Д.Д. янги очилган ҳолат бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган.

Туман маъмурий судининг 2018 йил 16 августдаги ажрими билан фуқаролар Б.Б. ва Д.Д.нинг аризаси қаноатлантирилиб, туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган ва туман маъмурий судининг 2018 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан А.А.нинг аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 22 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судининг 2018 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 22 ноябрдаги қарорини бекор қилиб, туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Бунда, судлов ҳайъати туман маъмурий суди 2018 йил 16 августдаги ажримни чиқаришда, яъни туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишда янги очилган ҳолат сифатида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг туман

ҳокимлигининг А.А.га нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини қайтариш ва ер майдонида қурилган қурилмани бузиш ҳақидаги даввосини қаноатлантириш тўғрисида 2017 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарорига асосланган. Аммо, биринчи инстанция суди фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ушбу ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича суднинг 2017 йил 30 августдаги қарори билан бекор қилинганлигига эътибор бермаган.

МСИЮТКнинг 269-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари келтирилган бўлиб, уларни кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Ваҳоланки, туман маъмурий судининг 2018 йил 16 августдаги ажримда келтирилган асос ушбу Кодекснинг 269-моддасида келтирилган асосларга мувофиқ келмайди.

7-137-19-сонли иш

10. Ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир оyi бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажы бир ойлик хизмат ҳисобида уларни ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилади.

Фуқаро Г.Г. 1992 йил 30 августдан 1994 йил 5 июлга қадар Тошкент юридик коллежида ўқиган. 1994 йил 18 октябрдан 1999 йил 22 апрелга қадар ҳарбий судда турли лавозимларда ишлаган. 1999 йил 22 апрелдан шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинган.

Мудофаа вазирлигининг 2003 йил 6 январдаги 45-сонли буйруғи билан Г.Г.га адлия лейтенанти мақоми берилиб, у офицерлар таркибига киритилган.

Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 6 майдаги 0262-сонли буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг 2017 йил 31 майдаги 111-сонли буйруғи билан Г.Г. ҳарбий хизматдан захирага бўшатишган. Мудофаа вазирлигининг Махсус комиссияси томонидан Г.Г. ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврлари унинг ҳарбий хизматни ўтаган муддатига қўшиб ҳисобланмаган.

Шу сабабли, Г.Г. жавобгар Мудофаа вазирлиги махсус комиссияси аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиб, жавобгар зиммасига ҳарбий хизмат даврига унинг ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган даврини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврларини унинг иш стажига қўшиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси

фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида'ги Низомнинг 19-бандида ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида, олий ўқув юртлирининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир ойи бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажи бир ойлик хизмат ҳисобида уларни ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилиши белгиланган.

Аmmo, Г.Г. юқоридаги Низомда кўрсатилганидек олий ўқув юртини эмас, балки коллежни, яъни ўрта-махсус ўқув юртини тамомлаган. Бундан ташқари, у ҳарбий хизматга шартнома асосида кирган вақтида офицер унвонига ҳам эга бўлмаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати шаҳар маъмурий суди ва апелляция инстанцияси суди қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-120-19-сонли иш